

Шах жинсий идентификацияси психологик феномен сифатида

Ҳайдарова Ҳ.Р.

АндМИ,

“Муҳандислик педагогикаси ва психологияси” кафедраси
мудири, п.ф.н.

Аннотация: Мақолада улғаяётган шахс жинсий идентификациясини феноменологик ёндошув орқали тушуниш асос қилиб олинади. Жинсий идентификация шаклланишидаги бирламчи ва иккиламчи жинсий социализация даврлари белгилаб ўтилади ва айниқса иккиламчи давр (17-25 ёшлар даври)даги шахс ички дунёсида бўлиб ўтадиган ўзгаришлар, хусусан, десоциализация жараёнларига эътибор қаратилади. Мақолада, шунингдек, ўзбек миллий менталитети ва этномухитига хос хусусиятлар ҳам шахс жинсий идентификацияси нуқтаи назаридан таҳлил этилади.

Калит сўзлар: жинсий идентификация, жинсий установка, десоциализация, феномен, муҳит, шахс, миллий менталитет, худудий ва миллий психология, оила, ота-она, ўзаро муносабатлар

В статье осуществлена попытка объяснения половой идентификации формирующейся личности с точки зрения феноменологического подхода. Указаны первичные и вторичный период половой социализации личности и особенности полового самосознания. Такой анализ позволяет более глубоко понять природы половой десоциализации формирующейся личности и феномен построения социальной конструкции в самосознании личности. Анализируется также влияние узбекской этнической среды и особенностей семейных взаимоотношений на формирование полоролевого поведения личности.

Ключевые слова: половая идентификация, половая установка, десоциализация, феномен, личность, национальный менталитет, региональный и национальный психология, семья, родители, взаимоотношение.

Инсон, улгайиши давомида, ташқи оламни ўрганиши билан бирга ўз-ўзини англаши ҳам муқаррар жараён бўлиб, бу орқали шахс ўзини борлиқ билан мувофиқлаштиради ва ички дунёсини ижтимоий талаблар билан уйғунлаштириб боради. Бундай уйғунлашув шахс шаклланишининг асосий шарти бўлиб, ушбу жараён шахснинг ўзлигини англашининг, яъни идентификациянинг турли жиҳатларини ўз ичига олади. Бундай жиҳатлар ичида энг аҳамиятлиларидан бири — жинсий идентификациядир. Дархақиқат, инсоннинг жинси унинг ўзгалар тасаввурларида ягона ўзгармас хусусиятларидан биридир. Биз ўзганинг кўз ва соч рангини унутишимиз мумкин, унинг қиёфасидаги кўпгина белгиларни хотирамизда тиклай олмаслигимиз мумкин. Лекин унинг жинсини ҳеч қачон унутмаймиз. Агар инсоннинг турли хусусиятларини алоҳида талқин этсак, унинг жинсий таснифи энг аҳамиятли жиҳат эканлиги аён бўлади.

Жинсий рол — бу у ёки бу жинсга мансубликни англатувчи талаблар тизими бўлиб, индивиднинг бу талабларга мос келиш даражасига қараб у эркак ёки аёл сифатида қанчалик шаклланганлигига баҳо берилади. Жинсий мослик бу — инсоннинг ўзини у ёки бу жинсга мансуб, деб қараши ва бу жинсга оид хатти-ҳаракатларни амалга ошириши жараёнларининг бирлигидир. Жинсий рол ва жинсий ўзликни англаш ўзаро боғлиқ иборалар бўлиб, хатто ўзаро уйғунлашувчи ҳолатлар ҳамдир. Жинсий рол шаклланишидаги асосий омиллардан бири — жамиятдаги мавжуд гендер стереотипларидир. Гендер стереотиплари деганда жамият фуқаролари онгидаги эркак ва аёлларга хос тасаввурлар тизими тушунилади.

Жинсий идентификация асосида шаклланган ижтимоий установкалар ётади ва бу установкалар инсоннинг нафақат ташқи муҳит билан балки ўз-ўзига бўлган муносабатини ҳам белгилайди. Шу маънода миллий муҳит хусусиятлари ҳар қандай жинсий установкалар шаклланишидаги асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон худуди ва маҳаллий халқ миллий хусусиятлари